

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.
ЗОКИРОВ И.И

ФАРМОҢОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК (Туркия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR (Япония)

LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН (Германия)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА (Словакия)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)

ДАДАЕВ С. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ТУРДАЛИЕВ А. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

ШУКУРОВ Р. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВА Д. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.А. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

ОРИПОВ А. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.
Шералиева Ж.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

**Фарғона,
2021.**

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

М.Исмоилов, З.Кўпайсинова Параболо-гиперболик типдаги модел тенглама учун нолокал масалалар	6
---	---

БИОЛОГИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

Ж.Абдурахмонов, Х.Муйдинов, М.Рахимов Индивидларнинг умр кўриш давомийлиги ҳақида	11
В.Исаков, У.Мирзаев, М.Юсупова Фарғона водийси қумли даҳалар тупроқлари	14
А.Махсумов, Б.Исмаилов 1-фенил азонафтол-2 пропаргил эфири ва унинг ҳосилаларининг олиниши	20

КИМЁ

Х.Юлдашев, Ю.Мансуров Оксид катализаторларда ис газининг оксидланиши	24
С.Хушвақтов, Ю.Файзуллаев, М.Жўраев, Д.Бекчанов, М.Мухамедиев Пластикат поливинилхлорид асосидаги янги поликомлексоннинг ғоваклик даражаси ва сорбцион хоссалари	29

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

И.Носиров Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида табиий бойликлардан фойдаланишда экологик менежментнинг назарий ва методологик асослари	33
С.Хусанбоев Туризм соҳасини ривожлантиришнинг айрим масалалари	40

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

Ў.Аҳмедова Таълимнинг ижтимоийлашувида маънавий тарбия масаласи	44
---	----

ТАРИХ

О.Маҳмудов Ўрта аср Испания таржима марказларида лотин тилига ўгирилган асарлар	47
С.Юлдашев Фарғона сомоний волийлар бошқаруви даврида	53
А.Атаходжаев Илк ўрта асрларда Марказий Осиёдаги этнослараро маънавий маданиятнинг ўзаро таъсири	61
И.Фуломов 1939 йилда Ўзбекистон ССРда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирига доир	67
А.Алохунов Бронза ва илк темир даври чорвадорлари ишлаб чиқариш хўжалигига доир айрим мулоҳазалар	73
В.Абиров Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи муаммосининг антропологик тадқиқотларда акс этиши	77
Ш.Холикулов Россия империяси суд-ҳуқуқ органлари тизимида нотариал идоралар фаолияти	84
Ш.Усанов Янги Ўзбекистонда миллатлараро тотувликни таъминлаш сиёсатининг замонавий хусусиятлари	89

ТАРИХ

УДК: 93/99+16+10

**ЎРТА АСР ИСПАНИЯ ТАРЖИМА МАРКАЗЛАРИДА ЛОТИН ТИЛИГА ЎГИРИЛГАН
АСАРЛАР**

(III қисм: ижтимоий-гуманитар фанларга оид китоблар)

**ТРУДЫ, ПЕРЕВЕДЕННЫЕ НА ЛАТЫНЬ В ПЕРЕВОДЧЕСКИХ ЦЕНТРАХ
СРЕДНЕВЕКОВОЙ ИСПАНИИ**

(Часть III: книги по социально-гуманитарным наукам)

**WORKS TRANSLATED INTO LATIN IN TRANSLATION CENTERS OF MEDIEVAL SPAIN
(Part III: books on social sciences and humanities)**

Маҳмудов Отабек Валижонович¹

¹Маҳмудов Отабек Валижонович

– Фарғона давлат университети, тарих
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент.

Аннотация

Мақолада антик давр олимлари ва Ўрта аср Шарқ алломаларининг ижтимоий-гуманитар фанларга оид 40 га яқин асарларининг Испания таржима марказларида лотин тилига таржима этилишига оид маълумотлар тавсифланган. Бунда, XII–XIII асрларда Испанияда олиб борилган таржима фаолияти тарихига доир манбалар ва илмий адабиётлардаги тарқоқ маълумотлар жамланиб, таҳлил этилган ва таснифланган.

Аннотация

В статье представлена характеристика сведений о переводах на латинский язык около 40 трудов ученых античности и средневекового Востока по социально-гуманитарным наукам, осуществленных в переводческих центрах Испании. Анализируется и классифицируется информация, собранная из источников и научной литературы, посвященных истории переводов в Испании в XII–XIII вв.

Annotation

The article describes information about the translations into Latin of about 40 works of scholars of antiquity and the medieval East, on social and humanitarian sciences, carried out in translation centers in Spain. Here, the information collected from sources and scientific literature devoted to the history of translations in Spain in the XII–XIII centuries is analyzed and classified.

Таянч сўз ва иборалар: антик давр олимлари, Ўрта аср Шарқ алломалари, асарлар, араб тили, лотин, илмий мерос, фалсафа, мантиқ, метафизика, Қуръон, адабиёт, “Тоledo мактаби”, таржималар, таржимонлар, тадқиқ ва татбиқ.

Ключевые слова и выражения: учёные античности, учёные средневекового Востока, труды, арабский язык, латынь, научное наследие, философия, логика, метафизика, Коран, литература, «Толедская школа», переводы, переводчики, изучение и применение.

Key words and expressions: scholars of antiquity, scientists of medieval East, works, Arabic, Latin, scientific legacy, philosophy, logics, metaphysics, Quran, literature, «The Toledo school», translations, translators, investigation and application.

Биз мазкур илмий журналнинг 2019 йил 4-сонида [1] Ўрта аср Испания таржима марказларида лотин тилига ўғирилган аниқ фанларга оид асарларни, ЎзР ФА Шарқшунослик институти «Мерос» илмий журналнинг 2019 йил 1-сонида [2] эса тиббиётга доир асарларни таҳлил қилиб, уларни хронологик тартибда таснифлаб берган эдик. Бундай ёндашув XII–XIII асрларда Пиреней ярим ороли шаҳарларида кечган таржима жараёни ҳақида аниқ ва тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Шундан келиб чиқиб, навбатда ижтимоий-гуманитар фанларга оид китоблар тўғрисидаги

маълумотларни тизимлаштиришни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Қайд этиш лозимки, XII–XIII асрларда Ўрта аср Испания таржима марказларида лотин тилига ўғирилган асарлар рўйхатига назар ташланса, дастлабки вақтда асосан астрология, астрономия, математика ва тиббиёт каби фан соҳаларига доир асарларни таржима қилишга катта эътибор қаратилганлигига гувоҳ бўламиз. Кейинчалик, хусусан XII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб эса фалсафага тааллуқли бўлган асарларни лотин тилига ўғириш кенг тус олди. XIII асрнинг иккинчи ярмидан бу асарлар қаторига бадий адабиёт намуналари ҳам қўшилди.

Тадқиқотимиз натижаларининг айна шу тартибда эълон қилиниши ҳам бежиз бўлмай, бунда XII–XIII асрлар таржима жараёнининг ўз тарихий ракурсини сақлаш мақсад қилинган.

Қуйида келтирилувчи асарларнинг асосий қисмини қадимги юнон-рим олимлари ҳамда мусулмон Шарқининг буюк алломалари китоблари ташкил этади. XII–XIII асрларда ижод қилган Европа таржимонлари юнон-рим олимларининг асарларини арабча таржималари ҳамда мусулмон муаллифларининг бу асарларни такомиллаштиришга қаратилган рисоалари, яъни шарҳлари асосида лотин тилига ўгирилган. Айна ҳолат, Ўрта асрларда яшаган европаликлар ўзларининг қадимги илмий тарихи билан айнан Шарқ олимлари меҳнати орқали танишишга муяссар бўлганликларидан далолат беради. Бироқ, айна даврда лотин тилига таржима қилинган ишларнинг катта қисмини, албатта, Шарқ олимларининг турли соҳаларга доир асарлари ташкил этган.

Бу асарлар «Ўрта аср Европа таржима марказларида Шарқ олимлари илмий меросининг ўрганилиши» мавзусида олиб борилган тадқиқот асосида жамланди.

Келтирилувчи асарларнинг аксари йўқолиб кетган бўлиб, манба ва илмий адабиётларда уларнинг фақатгина номлари ёки улар ҳақидаги қисқа парчалар сақланган, холос. Таъкидлаш лозимки, ушбу рўйхатга киритилган асарлар Ўрта асрлар Ғарб фанлари ривожига катта таъсир кўрсатган.

Қайта таъкидлаш зарурки, юнон тилидаги асарларнинг номлари аслича ёзилган бўлиб, ҳар бир сарлавҳадан сўнг уларнинг «эразм тизими»^{*1} асосида ёзилган транскрипцияси ҳамда ўзбек тилидаги таржимаси келтирилади. Асарнинг асл номи унинг лотинча таржимаси сарлавҳаси билан айнан бир хил бўлган ҳолатларда лотинча сарлавҳанинг ўзбек тилидаги таржимаси келтирилмаган.

Биз қуйида исмлари тилга олинувчи таржимонлар ҳаёти ва фаолиятини ўзимизнинг аввалги [3, 4] ишларимизда муфассал ёритиш асносида, улар қолдирган илмий мерос аҳамиятини очиб беришга ҳаракат қилдик. Шу

*1«Эразм тизими» ёки «этацизм» – қадимги юнон тилидаги сўзларни ўрта аср ғарб тилларида хатосиз ёзиш мақсадида XVI асрнинг биринчи ярмида Роттердамлик Эразм (1466–1536) томонидан ишлаб чиқилган тизим. У бугунги кунда фонетик жиҳатдан қадимги юнон тилидаги сўзларни энг тўғри транскрипция қилувчи тизим сифатида қабул қилинган.

боис, илмий такрорланишларга йўл қўймаслик учун мазкур мақолада таржимонлар ҳаётига оид маълумотларни келтиришдан тийилдик.

Антик давр муаллифлари қаламига мансуб китоблар

«Περὶ γενέσεως καὶ φθορᾶς» [Пэри гэнэсэос кай фтхорас] («Мавжудлик ва фасод китоби») – Аристотелнинг (лот. Aristoteleus., мил. авв. 384–322) фалсафага доир йирик асарларидан бири. Асар Кремоналик^{*2} Жерард (лот. Gerardus Cremonensis., 1114–1187) томонидан «De Generatione et Corruptione» сарлавҳаси остида лотин тилига ўгирилган.

«Μετὰ τὰ φυσικά» [Мэтá тá фюсика] («Метафизика») – Аристотел асари. Унинг айрим қисмларини Доминго Гундисальви (лот. Domingus Gundisalvinus., 1110–1190) таржима қилган. Асар кейинчалик Майкл Скотт (лот. Michahel Scotus., 1175–1234) томонидан «Metaphysica» номи билан тўлиқ ҳолатда лотин тилига ўгирилган.

«Ἀναλυτικὰ ὕστερα» [Аналитика́ истэра] («Иккинчи аналитика») – бу асар ҳам Аристотел қаламига мансуб бўлиб, Кремоналик Жерард томонидан «Analytica posteriora» номи билан лотин тилига ўгирилган.

«Περὶ ψυχῆς» [Пэри псюхэс] («Рух тўғрисида») – 1230 йилда Майкл Скотт лотин тилига таржима («De anima») қилган асар муаллифи Аристотел ҳисобланади.

«Ῥητορικὴ τέχνη» [Рэторикá тэхнэ] («Нотиклик санъати») – Олмониялик Ҳерман (лот. Hermannus Alemannus., ваф. 1272 йил) «Ars rhetorica» номи билан лотин тилига ўгирган.

«Ἠθικὰ Νικομάχεια» [Этхика́ никомáхэйа] («Никомáх этикаси») – «Ethica Nicomachea» сарлавҳаси остида Майкл Скотт лотин тилига таржима қилади. Асарни Олмониялик Ҳерман 1240 йилда қайта лотин тилига ўгирган.

«Ἠθικὰ μεγála» [«Этхика́ мэгáля»] («Катта этика») – 1243–1244 йилларда

*2Ўзбек тили имло қоидаларига асосан жой номларига «лик» қўшимчаси қўшилгач, у матн ичида кичик ҳарф билан ёзилади. Бироқ, мақолада Кремоналик, Олмониялик, Испаниялик ва бошқалар шахсларнинг нисбаси сифатида ишлатилмоқда. Шу боисдан улар катта ҳарфда ёзилган. Мисол учун, Кремоналик Жерард исми лотинчада Gerardus Cremonensis, инглизчада Gerard of Cremona, русчада эса Герард Кремонский тарзда ёзилади. Бундан ташқари, таржимонлар исмларининг турли тилларда турлича талаффуз қилинишини ҳам қайд этиш лозим. Жумладан, Хуан исмини Иоанн, Жон; Жерард исмини Герард, Ҳерардо; Майкл исмини Михаил, Микоил тарзида ва ҳ.к.

ТАРИХ

Олмониялик Ҳерман томонидан «Magna moralia» сарлавҳаси остида лотин тилига таржима қилинган.

«Περὶ ποιητικῆς» [Пэри пойэтикэс] («Поэтика») – ушбу асарни 1256 йилда «Ars poetica» сарлавҳаси остида Олмониялик Ҳерман лотин тилига ўгирган.

«Περὶ ἀρετῶν καὶ κακιῶν» [Пэри арэтон кай какион] («Саховат ва соҳибкароматлар ҳақида») – Сарешеллик Альфред (лот. Alphredus Anglicus., XII аср) томонидан «De virtutibus et vitiis libellus» номи билан таржима қилинган. Юқорида номлари зикр этилган тўртта асарнинг барчаси юнон олими Аристотелга тегишли.

«Νόμοι τοῦ κυβερνήτη» [Номой ту кубэрнэтэ] («Подшоҳлар қонуни») – Клавдий Птолемейнинг (лот. Claudius Ptolemaeus., 90–161) хронологияга оид асари. Уни 1240 йилда Олмониялик Ҳерман «Canon» («Қонун») номи билан лотин тилига ўгирган.

«Σχητικά με τὰ συναισθήματα» [Схэтика мэ та сюнайстхэмата] («Туйғулар тўғрисида») – Александр Афродизий (лот. Alexandri Aphrodisiensis., ваф. 215) рисоласи. Асарни Доминго Гундисальви 1180 йилда араб тилидан лотинчага таржима қилади. Таржимон ўз ишига «De intellectu» («Англаш») деб сарлавҳа қўйган. Мазкур асар худди шу ном билан 1187 йилда Кремоналик Жерард томонидан ҳам лотин тилига ўгирилади.

«Θεολογία τοῦ Ἀριστοτέλη» [Тхэолёгия ту аристотэле] («Аристотел Илоҳиёти») – юнон файласуфи Плотин (лот. Plotinus., 205–270) томонидан Аристотелнинг шу номдаги асарига ёзилган шарҳ. Уни Сарешеллик Альфред лотин тилига («Aristoteles Theologia») таржима қилган.

Ўрта аср Шарқ олимлари қаламига мансуб китоблар

«Китоб ал-ҳайр ал-маҳд» («Сабаблар тўғрисида китоб») – муаллифи номаълум бўлган, бироқ Ўрта асрларда фалсафага доир энг машҳур асарлардан бири. Унинг арабча матни Толедо мактаби вакили Ибн Довудга (лот. Avendeuth., 1110–1180) тегишли деган тахминлар бор [5:204]. Асарни 1187 йилда Кремоналик Жерард «Liber de causis» («Сабаблар китоби») номи билан лотин тилига ўгирган. Бу таржимани Доминго Гундисальви муҳаррирлик текширувидан ўтказди. Кейинчалик асар Сарешеллик Альфред томонидан ҳам таржима қилинган.

«Расоил ихвон ас-сафо ва ҳуллон ал-вафо» («Поклик биродарлари ва садоқат дўстларининг номалари») – X асрда Бағдод, Нишопур ва Самарқандда фаолият юритган

«Ихвон ас-сафо» («Поклик биродарлари»)*³ номли олимлар жамоасига тегишли асар [6: 101]. Унинг мантиққа оид биринчи, шунингдек, қалб ва руҳ масалаларига оид учинчи қисмлари 1179 йилда Доминго Гундисальви томонидан «In artem logicae demonstrationis» («Мантиқ санъатининг асоси») номи билан лотин тилига ўгирилган.

«Мушриқа» («Нур таратувчи [рисола]») – «Байт ал-ҳикма»нинг энг йирик аъзоларидан бири Собит ибн Қурра (836–901)нинг асари. Уни 1118 йилда Севильялик Хуан (лот. Johannes Hispalensis., 1090 – тах. 1170) Португалияда яшаган вақтда таржима қилган. Хуан ишга «De imaginibus» («Тасаввур тўғрисида») деб сарлавҳа қўйган.

«Китоб ал-фасл байн руҳ ва-н-нафс» («Руҳ ва қалб ўртасидаги фарқ») – 1120 йилда Севильялик Хуан томонидан таржима қилинган «Байт ал-ҳикма»да ижод қилган энг машҳур алломалардан яна бири Қуста ибн Луқа (820–912)нинг рисоласи. Таржима «De differentia spiritus et amina» деб номланган.

«Ихса ал-улум» («Илмлар таснифи») – Абу Наср Форобий (873–950) қаламига мансуб мазкур асар 6 та бобдан иборат. Муаллиф бу бобларда илмларни ўз хусусияти ва турига қараб бир тизимга солади. Асар лотин тилига Ибн Довуд ва Доминго Гундисальви томонидан таржима қилинган. Бунда, асар дастлаб Ибн Довуд томонидан маҳаллий кастиль лаҳжасидаги испан тилига ўгирилган, айна таржимани Д.Гундисальви лотинчага ўгиради. Таржима «De scientiis» («Илмлар тўғрисида») деб номланган бўлиб, ишнинг қачон амалга

*³«Ихвон ас-сафо ва ҳуллон ал-вафо» («Поклик биродарлари ва садоқат дўстлари») – X асрда Басра шаҳрида асос солинган, кейинчалик Бағдод, Нишопур ва Самарқандда фаолият юритган мусулмон олимларининг яширин ташкилоти. Гуруҳнинг йирик вакиллари қаторига диний тазйиқлар сабаб яширин ижод қилишга мажбур бўлган ал-Бустий, аз-Занжаний, ан-Наҳражурий, ал-Ауфий, ар-Рифолар киради. Улар томонидан илгари сурилган ғоя моҳияти шундан иборатки, инсон учун бахтга эришишнинг ягона қалити – бу, ақл. Бироқ, чин ҳақиқатга ёлғизликда эмас, балки илм аҳли билан бирга етиб бориш мумкин. Гуруҳ аъзолари ўзларининг фалсафий раҳнамоси сифатида машҳур олим Ёқуб ал-Киндийни (800–873) ҳисоблашган. Фанда мазкур жамоага тегишли яна бир асар маълум бўлиб, у «Рисола ал-астурлоб» («Астурлобга оид рисола») деб номланади. Асарнинг ягона нусхаси бугунги кунда Санкт-Петербургда (В 1029) сақланади. «Ихвон ас-сафо» олимлар жамоасининг фаолияти замонавий тадқиқотчилардан Нодир ал-Бизрий [6] томонидан тадқиқ этилди.

оширилгани аниқ маълум эмас. Бироқ, Д.Гундисальви ва Ибн Довуд ўртасидаги ҳамкорлик 1150–1180 йилларни қамрашни ҳисобга олиб, таржима айна даврда яратилган, деб тахмин қилиш мумкин.

Форобий мазкур асарининг Толедо мактабидаги иккинчи таржимаси Кремоналик Жерардга тегишли. Жерард асарни араб тилидан лотинга тўғридан-тўғри ўгиради. Бу таржима ҳам «De scientiis» («Илмлар тўғрисида») деб номланган. Иш 1160–1187 йиллар оралиғида, Жерарднинг Толедо мактабидаги фаолияти вақтида амалга оширилган. Мазкур икки таржимадан Жерарднинг иши мукамаллик ва аниқлик борасида Доминго таржимасига қараганда устун бўлган. Айна Кремоналик Жерард таржима қилган «Илмлар таснифи»нинг лотин тилидаги нусхасининг 1588 йилда Парижда икки мартаба нашр этилгани бунинг тасдиғидир.

«Илмларнинг келиб чиқиши» – асл арабча матни ҳозирга қадар етиб келмаган ушбу асарнинг номи, унинг лотин тилидаги таржимаси сарлавҳаси: «De ortu scientiarum»дан олинган. Мазкур асар ҳам Форобий қаламига мансуб бўлиб, унда муаллиф ўз замонидаги 30 та илм устида батафсил тўхталади, уларнинг таърифи ва мазмуни, билимлар тизимида тутган ўрнини кўрсатиб берган. Унинг Ўрта асрларда кўчирилган лотин тилидаги кўлёзма нусхалари Париж, Вена ва Мюнхенда сақланади. Булар XII асрда Толедо мактабида Доминго Гундисальви томонидан яратилган таржиманинг кейинги даврларда кўчирилган нусхаларидир. Таржимон асарни «De ortu scientiarum» сарлавҳаси остида лотинчага ўгирган. Бу жараёнда ҳам Домингога Ибн Довуд яқиндан ёрдам беради. Ҳамкорлик юқорида кўрсатилган услубда амалга оширилган.

«Китоб ат-танбих ала сабил ас-саъада» («Бахт-саодат йўлига кўрсатма китоби») – Форобийнинг социология ва этикага оид йирик рисолаларидан бири. Асар Доминго Гундисальви ва Испаниялик Хуан тарафидан «Liber excitativus ad viam felicitatis» («Бахт йўлига кириш китоби») номи билан лотин тилига ўгирилган. Иш 1176–1190 йиллар оралиғида амалга оширилган.

«Рисола фи уйун ал-масаил» («Масалалар манбаи») – Форобийнинг мантиққа оид асари. Бу асар ҳам Доминго Гундисальви томонидан лотин тилига таржима қилинади. Таржима «Fontes quastionum», яъни

«Тадқиқот манбалари» деб номланган. Бироқ, бу таржима сақланманган.

«Мақола фи маъно ал-ақл» («Ақлнинг моҳияти тўғрисида китоб») – Форобийнинг фалсафага оид йирик рисолаларидан бири. Асарни «De intellectu» («Ақл тўғрисида») сарлавҳаси остида Д.Гундисальви лотинга ўгирган. Ушбу таржима ҳам бугунги кунга қадар етиб келмаган. Фақатгина, айрим илмий тадқиқотларда мазкур рисола ҳамда «Масалалар манбаи» асарининг таржималари Д.Гундисальви қаламига мансублиги [7: 268] тўғрисида қайдлар учрайди, холос.

«Китоб ал-ҳитоба» («Нотиқлик китоби») – Форобий асари. У Олмониялик Ҳерман томонидан лотин тилига ўгирилган.

«Китоб аш-ши'р» («Шеър китоби») – бу асар ҳам Форобий қаламига мансуб, у ҳам Олмониялик Ҳерман томонидан таржима қилинган.

Ҳар икки таржима ҳам 1240–1256 йиллар оралиғида Толедо мактабида яратилган. Бироқ, таржимон Форобийнинг ушбу асарларини Аристотелнинг «Рѳторикѳ тѳхнѳ» [Рѳторикѳ тѳхнѳ] («Нотиқлик санъати») ва «Пѳри ποιѳтикѳс» [Пѳри поѳѳтикѳс] («Поѳтика») номли рисолаларига ѳзилган шарҳлар сифатида кўрсатган.

«Шарҳ китоб ал-Мақулот» («Категориялар китобига шарҳ») – Аристотелнинг «Катѳориѳн» [Катѳориѳн] («Категориялар») номли асарига Форобий томонидан ѳзилган шарҳ. У Кремоналик Жерард тарафидан 1160–1187 йиллар оралиғида араб тилидан лотинчага таржима қилинган.

«Китоб ал-қиѳс» («Қиѳс китоби») – Аристотелнинг «Αναλυτικѳ прѳτερα» [Αναλυτικѳ прѳτερα] («Биринчи аналитика») номли асарини шарҳлашга баѳишланган асар бўлиб, у Форобий томонидан ѳзилган.

«Китоб ал-амкина ал-муғлита» («Софистикага оид масалалар китоби») – Аристотелнинг «Пѳρι τѳν σοφιστικѳν ѳλεѳχων» [Пѳри тѳн софистикѳн ѳлѳнхѳн] («Софистикадаги раддиялар хусусида») деб номланган асарига Форобий ѳзган шарҳ. Юқоридаги икки асарни Кремоналик Жерард 1160–1187 йилларда лотинчага ўгирган.

«Китоб аш-Шифо» («Шифо китоби») – Ибн Синонинг (980–1037) 18 та бўлимдан иборат асари. Моҳиятига кўра Ўрта асрлар қомуси ҳисобланади. Асар Севильялик Хуан томонидан лотин тилига таржима қилинган. Бироқ, таржиманинг айна кўлѳзмаси ҳозирга қадар сақланмаган бўлиб, унинг XIII аср охирида кўчирилган нусхаси бугунга қадар

ТАРИХ

етиб келган. Мазкур таржима Европада «Sufficiencia» («Фаровонлик») номи билан машхур бўлган.

Ўрта аср Испания таржима марказларида «Китоб аш-Шифо»нинг бўлимлари алоҳида-алоҳида китоб сифатида ҳам таржима этилган.

«Рух ҳақида китоб» – «Китоб аш-Шифо»нинг психологияга бағишланган қисми, «Liber de Anima» номи билан лотин тилига ўгирилган. Таржима муаллифлари Доминго Гундисальви ва Ибн Довуд. Таржима қўлэмасига «Dominico Gundisalvo» ва «Magister Io. Havendana /Avendeuth/» деб имзо қўйилган бўлиб, у Толедо архиепископи Хуанга бағишланади, мазкур маълумот, таржиманинг 1152–1166 йиллар оралиғида бажарилганини англатади. Чунки, Хуан Кастеллморон исмли шахс айна шу йилларда архиепископ бўлиб хизмат қилган. Мазкур таржима Европа фан оламида яна «Opus egregium de Anima» («Рух ҳақида ажойиб асар»), «Liber sextus naturalium» ёки «Liber sextus de naturalibus» («Физиканинг олтинчи китоби») номлари билан машхур бўлган.

«Метафизика» («Metaphysica») – «Китоб аш-Шифо»нинг метафизикага оид бўлими. Бу асарда Аристотелнинг соҳадаги қарашлари шарҳланиб, уларга тузатишлар киритиш асносида Ибн Сино давридаги сўнги фан ютуқлари билан бойитилган [8: 157–173; 9: 89]. «Китоб аш-Шифо»нинг мазкур қисмини Доминго Гундисальви 1180 йилда лотин тилига ўгирган. Эътиборга лойиқ жиҳати, Доминго ишни бир ўзи, ҳамкорларсиз амалга оширган. Бу ҳолат, уни айна даврга келиб араб тилини мукамал даражада ўрганганлигидан далолат беради. Чунки, дастлабки вақтларда, таржимоннинг араб тилини тўла билмаслиги, уни бошқа ҳамкасблари билан биргаликда фаолият юритишига сабаб бўлган.

«Шарҳ китоб ал-қиёс» («Аналитикага шарҳлар») – Аристотел қаламига мансуб «Ἀναλυτικά» [Аналютиká] асарининг иккинчи китоби «Ἀναλυτικά ὑστερα» [Аналитика́ истэра] га Ибн Сино томонидан ёзилган шарҳ. Айна шарҳ «Analytica posteriora» («Иккинчи Аналитика») сарлавҳаси остида Доминго Гундисальви ва Испаниялик Хуан томонидан лотин тилига ўгирилган. Таржима 1176–1190 йиллар оралиғида амалга оширилган [10: 153].

«פִּינ הַקֹּרָן» [Мекор хаим] («Ҳаёт сарчашмаси») – яҳудий файласуф Ибн Габирол (лот. Avencebrol., тахм. 1021–1070) қаламига мансуб рисола. [11: 235]. Унинг «Fons vitae» номли лотинча таржимаси Доминго Гундисальви ва Испаниялик Хуан (лот.

Johannes Hispanus., 1150–1115) ҳамкорлигида бажарилган.

«Мақосид ал-фалосифа» («Файласуфлар мақсади») – машхур файласуф ва илоҳиётчи олим ал-Ғаззолий (1058–1111)нинг энг йирик асарларидан бири [12: 47]. Унинг таржимаси Доминго Гундисальви ва Ибн Довуд ҳамкорлигида яратилган бўлиб, фанда «Liber Algazel» («ал-Ғаззолий китоби») номи билан сақланган.

«Таҳофут ал-фалосифа» («Файласуфларни рад этиш») – бу асар ҳам ал-Ғаззолий қаламига мансуб бўлиб, юқоридаги рисоланинг мантиқий давоми ҳисобланади. Уни «Destructio philosophorum» («Файласуфларга раддия») сарлавҳаси билан Ибн Довуд ва Доминго Гундисальви лотин тилига таржима этганлар. Бироқ, бу таржима тўлиқ сақланмаган. Сўнги икки таржима 1150–1165 йиллар оралиғида яратилган.

Юқоридагилардан ташқари, Ўрта асрлар Испания таржима марказларида **дин** ва **адабиётга** оид қуйидаги асарлар таржима қилинган:

«Қур’он» – мазкур муқаддас китоб Толедолик Марк (лот. Marcos Toletanus., 1193–1234) томонидан 1211–1212 йилларда лотин тилига («Alchoran») ўгирилди. Таъкидлаш лозимки, «Қур’он»ни 1143 йилда Кеттонлик Роберт (лот. Robertus Kettenensis., XII аср) ҳам лотинчага таржима қилган эди. «Қур’он» бундан аввал, 1141 йилда ҳам лотинчага ўгирилган бўлиб, таржима Монбуассъелик Пётр Иззатли (1092–1156)⁴ ташаббуси ва раҳбарлигида амалга оширилади [13: 27]. Пётр Иззатлини 1143 йилда Кларвеухлик Бернард исмли шахсга йўллаган мактубида «Қур’он»нинг таржима қилинишига доир қизиқ маълумотлар ўз аксини топган. Жумладан, хатда қуйидагиларни ўқиш мумкин: «*Contuli ergo me ad peritos linguae Arabicae, ...eis ad transferendum de lingua Arabica in Latinam perditu hominis originem, vitam, doctrinam, legemque ipsam quae Alchoran vocatur, tarn prece quam pretio, persuasi. Et ut translationi fidesplenissima non deesset, nee quidquam fraude aliqua nostrorumnotitiae subtrahi posset, Christianis interpretibus etiam Sarracenumadunxi. Christianorum interpretum*

⁴Француз олими ва ёзувчиси, диний арбоб. Клония черкови аббати ҳисобланган. У Кеттонлик Роберт ҳамда Далматлик Ҳерман таржималаридан фойдаланиб, мусулмон диний таълимотларига оид «Summa totius haeresis Saracenorum» («Мусулмонларнинг тартиб қоидалари») деб номланган асар ёзган.

nomina: Robertus Kecenensis, Armannus Dalmata, Petrus Toletanus; Saraceni Mahumethnomen erat. Qui intima ipsa barbarae gentis armaria perscrutantes, volumen non parvum ex praedicta materia Latinis lectoribus dederunt. Hoc anno illo factum est quo Hispanias adii, ...qui annus fuit ab Incarnatione Domini 1141» – таржимаси: «Ибодат ва пул кучи [таъсирида] уларнинг [муслмонлар] тарихи, фани ва ҳатто қонунлари [муҳассамлашган] Қур’онни араб тилидан лотинга кўчиртирдим. Таржима тўлиқ, ишончли бўлиши ва ҳеч қандай хатолик бизнинг онгимизни бузмаслиги учун мен христиан таржимонлари қаторига муслмонни ҳам қўшдим. Булардан христианлар: Кеттонлик Роберт, Далматлик Ҳерман, Толедолик Пётр; муслмонни Муҳаммад деб аташарди. Бу гуруҳ, бутун кутубхоналарни қидириб, мазкур катта китобни топиб, уни лотин [тилида] ўқувчилари учун ўғиришди. ... Таржима, мен Испанияга борган ва испанлар императори сеньор Альфонсо билан учрашган йили, яъни Исо туғилганининг 1141 йилида якунланган». Ушбу мактуб матнининг таҳлил натижаси, XII аср иккинчи ярмида Испанияда араб тилидаги асарларни тўғри ва холис таржима қилишга алоҳида эътибор қаратилганлигидан далолат бермоқда.

«Калилаҳ ва Димнаҳ» («Калила ва Димна») – инсоният цивилизациясининг ноёб дурдоналаридан ҳисобланган мазкур асар ўз вақтида, санскритдан форс тилига, сўнгра форс тилидан араб тилига таржима қилинган эди. Асарнинг лотин тилидаги таржимаси

Адабиётлар:

1. Маҳмудов О.В. Ўрта аср Испания таржима марказларида лотин тилига ўғирилган асарлар (I қисм: аниқ фанларга оид китоблар) // ФарДУ. Илмий хабарлар. 2019. – № 4.
2. Маҳмудов О.В. Ўрта аср Европа таржима марказларида лотин тилига ўғирилган тиббий асарлар (II қисм) // Мерос. 2019. – № 1.
3. Маҳмудов О.В. Толедо мактабининг таржимонлари ва уларнинг фаолияти хусусида // ЎзМУ Хабарлари. 2017.
4. Маҳмудов О.В. Толедо мактабининг ҳамкор таржимонлари ва уларнинг фаолияти хусусида баъзи маълумотлар // ЎзМУ Хабарлари. 2017. – № 2.
5. Шишков А. М. Средневековая интеллектуальная культура. – Москва: Издатель С. А. Савин, 2003.
6. El-Bizri N. Epistles of the Brethren of Purity. Ikhwan al-Safa' and their Rasa'il. – Oxford: Oxford University Press, 2008.
7. Rivera-Recio J.F. Nuevos datos sobre los traductores Gundisalvo y Juan Hispano // Al-Andalus. – Madrid: Al-Andalus, 1966. Vol.31.
8. Bertolacci A. The Reception of Book B of Aristotle's Metaphysics in the Ilahiyat of Avicenna's // Interpreting Avicenna, Science and Philosophy in Medieval Islam. / Ed. J. McGinnis. – Paris, 2004.
9. González Palencia R. El traductor Hermann el Alemán // El Escuela de Traductores de Toledo. – Toledo: Diputaciyn provincial de Toledo, 1996.
10. Carmody F. J. Arabic Astronomical and Astrological Sciences in Latin Translation: A Critical Bibliography. – Berkeley: California University Press.
11. Benedetto M. La dimensione fondante della realtà: la materia in Ibn Gabirol e Shem Tov ben Yosef ibn Falaquera // Quaestio. 2007.
12. Watt W. M. Al-Ghazali: The Muslim Intellectual. – Lahore: Kazi Publication, 2003. – 222 p.
13. Karpinski L. C. Robert of Chester's Latin translation of the Algebra of al-Khwarizmi. – NewYork-London: Macmillan Company, 1915.

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор)